

Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва бошқа шахсларни, қўл юкини,  
багажни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги низомга  
**ИЛОВА**

Йўловчилар ташиш поездларида ташиш тақиқланган ва чекланган хавфли моддалар ва  
буюмлар

## РЎЙХАТИ

I. Куйидагилар йўловчилар ташиш поездларида қўл юки ва багаж сифатида ташиш  
тақиқланган хавфли моддалар ва буюмларга киради:

а) тегишли рухсат берилган хужжат бўлмаган барча турдаги ўқ отар ва тиғли қуроллар:

тўппончалар, револьверлар, сойли милтиклар, карабинлар, бошқа ўқ отар қуроллар ва  
уларга ўқ-дорилар;

арбалетлар ва сув ости ови қуроли, қиличлар, ханжарлар, дудама қиличлар, эгри қиличлар,  
узун ва оғир қиличлар, тиғлар, қиличсимон найзалар, найзалар, ханжарлар, кортиклар,  
ханжарчалар, пичоклар: ҳарбий, десант, фин пичоклари, пискалар отилиб чиқадиган,  
кулфланадиган дудама қиличлар;

б) тегишли рухсат берилган хужжат бўлмаган барча турдаги портловчи моддалар ва улар  
билин тўлдирилган буюмлар, портлатиш воситалари:

ҳар қандай ўрамдаги барча ов порохлари;

ов капсулалари (пистонлари) ва капсула-детонаторлар;

пиротехника воситалари: сигналли ва ёритувчи ракеталар, посадкали шашкалар, тутун  
чиқарувчи патронлар;

динамит, тол, аммонал, тротил ва бошқа портловчи моддалар;

в) сиқилган ва суюлтирилган газлар;

г) тез ёнувчан қаттиқ моддалар:

сув таъсирида иссиқлик ва иссиқ газ чиқарадиган, натижада ўзидан ўзи ёнадиган ва ёнгин  
келтириб чиқариши мумкин бўлган моддалар: калий, натрий, металли кальций ва  
уларнинг қотишмалари, кальций, фосфорит ва бошқалар;

ок, сарик ва қизил фосфор ҳамда тез ёнувчан қаттиқ моддалар тоифасига тегишли бўлган  
бошқа барча моддалар;

органик пероксидлар;

донадор ёки парча-парча, қуруқ ёки нам, таркибида камидаги 25 фоиз сув ёки эритувчи  
суюқлик бўлган коллоид нитроцеллюлоза;

қуруқ ва нам, таркибида камидаги 30 фоиз сув ёки эритувчи суюқлик бўлган  
нитроцеллюлоза;

д) тегишли рухсатнома берилган хужжат бўлмаган барча турдаги заҳарли ва заҳарловчи моддалар:

ҳар қандай идишга жойлаштирилган суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги ҳар қандай заҳарли, кучли таъсир қиласиган ва заҳарловчи моддалар;

бруцин;

никотин;

стрихнин

тетрагидрофурфурил спирти;

этиленгликоль;

симоб;

цианид кислотанинг барча тузлари ва цианид препаратлар;

циклон, цианплав, маргимуш ангидрид ва бошқа кучли таъсир қиласиган, заҳарли, заҳарловчи моддалар;

е) герметик идишларсиз ва ўрамларсиз ташиладиган ўювчи, бадбўй ва емирувчи моддалар:

кучли ва ноорганик кислоталар: хлорид, сульфат, азот кислоталар ва бошқа кислоталар;

фторли-водород (шишани ўйиш қобилиятига эга бўлган) кислотаси ва бошқа кучли кислоталар ва емирувчи моддалар;

ж) божхона қоидаларига ва бошқа қоидаларга кўра ташишга йўл қўйилмайдиган буюмлар.

II. Куйидаги чекланган микдорлардаги майший мақсаддаги моддалар ва буюмларни эҳтиёткорлик чораларини кўрган холда қўл юки ва бағажда йўловчилар ташиш поездларида ташишга рухсат берилади ва улар кўздан кечиришда олиб қўйилмайди:

сирка (битта йўловчига 0,5 литрдан кўп эмас);

алкоголли ичимликлар;

хизмат мақсадларида ташиладиган спирт, тамға рақами кўрсатилган холда корхона (ташкилот) маълумотномаси билан тасдиқланадиган, герметик ёпилган ва тамғаланган идишларда икки литрдан ортиқ бўлмаган микдорда ташилади;

герметик идишда ва ўрамда ташиладиган тез алангаланадиган суюқликлар;

ацетон;

нефть маҳсулотлари намуналари;

металацетат (метил эфири);

углерод сульфид;

эфирлар;

пардоз-андоз воситалари, шу жумладан тирноқ учун локлар, локларни кўчириш учун суюқликлар, соч учун суюқликлар, шунингдек спирт-лок асосидаги ҳавони тозаловчи суюқликлар;

газли зажигалкалар ва зажигалкалар учун газли баллончалар (битта йўловчига 2 та баллончадан ортиқ эмас);

буклама (фиксаторсиз) йўл пичоқлари ва қайирма пичоқлар;

симобли тиббиёт термометрлари (градусниклар) (битта йўловчига 1 донадан ортиқ эмас);

стандарт ғилофдаги симобли тонометрлар (битта йўловчига 1 донадан ортиқ эмас);

жўйнатувчининг тамғаси билан маҳсус герметик контейнерларда жойлаштирилган симобли барометрлар ва манометрлар.